



Modern trends in chinese-american relations

Uchqun DUSTOV¹

The University of World Economy and Diplomacy

ARTICLE INFO

Article history:

Received January 2021

Received in revised form

15 January 2021

Accepted 20 February 2021

Available online

7 March 2021

Keywords:

Sino-American relations

US pushback strategy

Trade war

International security.

ABSTRACT

The article examines crucial issues in US-China relations in 2017-2020 and identifies the main determinants that influenced the development of relations between the two countries. In particular, such issues as the "pushback strategy", "Trade war", international security and the geopolitical situation in the Asia-Pacific region were analyzed in this paper. The main directions, recent tendencies and prospects of Sino-American relations were determined. The Republican-led US government put pressure on China on issues such as trade imbalances, human rights, the Covid-19 pandemic, and the strengthening of US positions in the Pacific and Indian Oceans. At the same time, it was recognized that the PRC will pay more attention to the "One Belt, One Road" project, which connects Eurasia, and as a result, the role of Central Asia in China's strategy would increase. Despite the changes that have taken place, the attitude of the US administration towards China has remained moderate, and the trend for mutually beneficial cooperation is gaining momentum. While unanimous support from both houses of Congress for the US administration's demands on China during this period exacerbated existing conflicts, China's rapid economic development and growing international position intensified competition not only in the Asia-Pacific region, but in all regions of the world.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ PhD in Political science, Senior Lecturer, The University of World Economy and Diplomacy Tashkent Uzbekistan
E-mail: uchkun_uwed@mail.ru

Хитой-ақш муносабатларидаги замонавий трендлар

Калит сўзлар:

Хитой-АҚШ
муносабатлари
“Акс таъсир” стратегияси
“Савдо уруши”
Халқаро хавфсизлик

АННОТАЦИЯ

Мақолада АҚШ-Хитой муносабатларининг 2017-2020 йиллардаги муҳим масалаларини атрофлича ўрганиш баробарида икки давлат ўртасидаги алоқалар ривожига таъсир кўрсатган асосий детерминантлар маълум бўлди. Хусусан, “Акс таъсир” стратегияси, “Савдо уруши”, халқаро хавфсизлик ва Осиё-Тинч океани минтақасидаги геосиёсий вазият сингари масалалар таҳлил қилинди. Хитой-Америка муносабатларининг асосий йўналишлари, сўнгги тенденциялари ва ҳамкорлик истиқболлари аниқланди. Республикачилар бошчилигидаги АҚШ ҳукумати Хитойга нисбатан ўзаро савдо балансидаги номутаносиблик, инсон ҳуқуқлари, Covid-19 пандемияси каби масалаларда босим ўтказиши, Тинч океани ва Ҳинд океанлари ҳавзаларида АҚШ мавқеининг мустаҳкамланиб бориши каби масалаларнинг Хитой ташқи сиёсатига таъсири баҳоланди. Бунда ХХР Евроосиёни ўзаро боғловчи “Бир минтақа-бир йўл” лойиҳасига кўпроқ эътибор қаратиши ва натижада Хитой стратегиясида Марказий Осиёнинг аҳамияти янада ортиши аён бўлди. Содир бўлаётган ўзгаришларга қарамасдан АҚШ маъмуриятининг Хитойга нисбатан муносабати мўътадил ҳолда қолиб, азалий ўзаро манфаатли ҳамкорликка мойиллик тенденцияси мунтазамлик касб этмоқда. Мазкур даврда АҚШ маъмуриятининг Хитойга қўйган талаблари Конгресснинг ҳар икки палатаси томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланганлиги мавжуд зиддиятларнинг янада чуқурлашувига олиб келган бўлса, Хитойнинг тезкор иқтисодий тараққиёти ва халқаро мавқеининг ўсиб бориши нафақат Осиё-Тинч океани минтақасида, балки бутун дунё минтақаларида ҳам ўзаро рақобатни кучайтирди.

Современные отношения

тренды в китайско-американских

Ключевые слова:

Китайско-американские
отношения
Стратегия
«Противодействие»
«Торговая война»,
Международная
безопасность

АННОТАЦИЯ

В статье исследуются важные вопросы американо-китайских отношений в 2017-2020 годах и определяются основные детерминанты, повлиявшие на развитие отношений между двумя странами. В частности, были проанализированы такие вопросы, как стратегия «Противодействие», «Торговая война», международная безопасность и геополитическая ситуация в Азиатско-Тихоокеанском регионе. Определены основные направления, последние тенденции и перспективы китайско-американских отношений. Правительство США, возглавляемое республиканцами, оказало давление на Китай по таким вопросам, как торговый дисбаланс, права

человека, пандемия Covid-19 и укрепление позиций США в Тихом и Индийском океанах. В то же время установлено, что КНР будет уделять больше внимания проекту «Один пояс, один путь», который соединяет Евразию, и в результате роль Центральной Азии в стратегии Китая возрастет. Несмотря на произошедшие изменения, отношение администрации США к Китаю осталось умеренным, а тенденция взаимовыгодного сотрудничества набирает обороты. В то время как единодушная поддержка обеими палатами Конгресса требований администрации США к Китаю в этот период обострила существующие конфликты, быстрое экономическое развитие Китая и растущее международное положение усилили конкуренцию не только в Азиатско-Тихоокеанском регионе, но и во всех регионах мира.

XXI аср бошида халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати тараққийлатилиши ҳозирги босқичида янги дунё тартибидининг долзарб масалаларидан бири Хитой-Америка вектори ҳисобланади. АҚШ ва ХХР муносабатлари жаҳоннинг иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва маданий ривожланишига бевосита таъсир кўрсатаётган муҳим омиллардан бирига айланди. Шунинг учун ҳам ХХР-АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг истиқболи жаҳон ҳамжамиятининг домий диққат марказида бўлиб, барчани ташвишга солмоқда, чунки XXI асрда қатор халқаро масалаларнинг ечими айнан Хитой-Америка муносабатлари ривожига боғлиқлигича қолмоқда.

2017 йилда Дональд Трампнинг ҳокимият тепасига келиши билан АҚШ ҳукуматининг Хитой даъватларига нисбатан жавоб чораларини кўриш масаласи вужудга келди, бироқ 2018 йилга келиб бу омилнинг аҳамияти бироз пасайди. 115-Конгресс (2017-2018йй) даврида Демократлар ва Республикачиларнинг яқин ҳамкорлиги туфайли АҚШ Конгрессининг Хитойга нисбатан муносабатидаги азалий қарама-қаршилик барҳам топди. Хусусан кескин тарафкашликка қарамасдан, Хитой масаласи АҚШ Конгресси ва Ҳукумати ўртасидаги яқдилликка мисол бўладиган ягона мавзуга айланди.

Жорж Вашингтон университети профессори Р.Суттернинг фикрича, Хитойга нисбатан АҚШ муносабатининг истиқболи ХХР билан кураш ҳаражатларини қоплаш имкониятига, мавжуд вазиятдан етарли даражада хабардор бўлмаган жамоатчиликни Хитой билан бўладиган можарога эҳтиёж борлигига ишонтиришга ҳамда Трамп маъмуриятининг Хитойга нисбатан олиб борадиган сиёсатида боғлиқ бўлади. Ушбу мавзунинг ёритилиши орқали АҚШ ҳукумати томонидан Хитойга нисбатан олиб борилаётган сиёсатнинг кескин ўзгариш эволюцияси, давомийлиги, сабаблари ва оқибатларини баҳолашга оид маълумотлар оммага тақдим этилади.

АҚШнинг Хитойга қўяётган талаблари борган сари ортиб бормоқда. Конгрессдаги Республикачилар ва партиянинг 2016 йилги сайлов платформаси хитойликларнинг фаолиятини танқид қилиб, кескин норозиликлар билдиришди. Хитойга тегишли кўплаб масалалар президентлик кампаниясида кўзга ташланган эди, бироқ умуман олганда улар экстремизм ва Россия масаласи каби бошқа муаммоларга нисбатан иккинчи даражали бўлиб қолди.

Президент Д.Трамп, Тайван президенти Цай Инвэнь томонидан 2016 йил декабрда юборилган табрикномани қабул қилганлиги туфайли Хитойда сиёсий кайфият жиддий ўзгарди. Бу сиёсат Республикачилар партияси томонидан қўллаб-қувватланди. Ушбу партиянинг 2016 йилги платформасида Тайванни қўллаб-қувватлаш ва шунингдек Хитойни жиловлаб туриш каби ғоялар илгари сурилган эди. Бунга жавобан ХХР томони шикоят келтирганда эса, Д.Трамп Хитойнинг ноқулай иқтисодий сиёсатини ва Жанубий Хитой денгизи ҳудудидаги ҳарбий постларни қоралади.

Хитой томони Қўшма Штатларга доимий равишда "Ягона Хитой" позициясини қўллаб-қувватлаш ва Тайван билан алоқаларни фаоллаштирмаслик зарурлиги тўғрисидаги масалаларни илгари суриб келди. Президент Д.Трамп охири-оқибат, "Ягона Хитой" сиёсатини Америка нуқтаи назаридан қўллаб-қувватлашга рози бўлди.

Президент Д.Трамп 2017 йил 7 апрелда Флорида штатидаги Мар-а-Лаго курортида (Трампнинг хусусий мулки) бўлиб ўтган икки давлат раҳбарлари ўртасидаги норасмий саммит муваффақиятли ўтди. Унда бўлажак G-20 саммити олдида тўрт олий даражадаги учрашув механизмларни келишиб олиш мақсадида Си Цзиньпин билан учрашди.

Кейинчалик, икки давлат раҳбарлари яна G-20 саммити доирасида 2017 йил 7-8 июлда Гамбургда (Германияда) кўришди. Ўша йили ноябр ойида икки давлат раҳбарлари Шимолий Корея масаласида телефон орқали суҳбатлашди ва АҚШ президентининг Пекинга режалаштирилган ташрифига қадар келишилиши лозим бўлган бошқа масалаларни муҳокама қилдилар. Икки мамлакат ўртасида муаммолар мавжудлигига қарамасдан, ҳар иккала раҳбар ҳам ўзларининг шахсий муносабатларини қадрлашларини маълум қилдилар[22].

Флорида саммитидан сўнг, АҚШ Шимолий Кореянинг ядро дастурини тўхтатиб туриш мақсадида Хитойга нисбатан сиёсий босимни кучайтирди. Ушбу сайёҳи-ҳаракатлар Тайванга қурол-аслаҳа сотилганлиги, Жанубий Хитой денгизидаги келишмовчиликлар ва бошқа АҚШ ташаббуси билан қилинган ишларни чиппакка чиқарди. 2017 йил июлда бўлиб ўтган АҚШ-Хитой кенг қамровли иқтисодий музокараларидан олдинроқ икки давлат 100 кунлик ҳаракатлар режаси бўйича ўзаро келишувга эришди[4].

2017 йил июнь ойида Президент Д.Трамп Хитойнинг Шимолий Кореядаги ҳаракатларидан норози бўлганлиги учун, Тайванга қурол савдоси ва навигация эркинлиги машқларини янада кучайтирди. Ўша йили июлдаги иқтисодий масалалар бўйича музокаралар жараёнида Хитой билан ўзаро савдо камомadini камайтирилишига олиб келиши мумкин бўлган биронта келишувга эришилмади ва ушбу тадбир муваффақиятсиз якунланди.

АҚШнинг 45-президенти Д.Трамп 2017 йилда (9-10 ноябр) Пекинга рамиёй ташриф билан борди. Ўз навбатида, Хитой Президенти унинг мамлакати "ҳеч қачон миллий иқтисодиётнинг очиқлиги учун эшикларни ёпиб қўймайди", "хорижий бизнеснинг муваффақиятли ишлаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беради", "ислоҳотларга қатъий содиқликни" сақлаб қолишини уқтирди. Си Цзиньпин дунёдаги икки йирик иқтисодиёт - Хитой ва АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик доирасидаги ҳозирги ва эътимолӣ қарама-қаршиликларни мулоқот орқали ҳал қилиш мумкинлигини таъкидлади.

Д.Трамп ва Си Цзиньпин ўртасидаги музокаралардаги муҳим мавзулардан бири КХДР ядровий ракета дастури ва Корея ярим оролидаги вазият эди. Трампнинг сўзларига кўра, Пекин қисқа вақт ичида ва махсус ҳаракатларсиз "Пхеньяни ядро қуролидан маҳрум қилишга" қодир. У ушбу муаммо "глобал хавфсизлик учун энг катта таҳдид" эканлигини таъкидлаб, ХХР раиси "бу борада жиддий иш олиб боришига" қатъий ишонч билдириб, ўз навбатида, КХДР муаммоси "ҳал қилиниши" мумкинлигини таъкидлади. Натижада, ушбу учрашувда Хитой ва АҚШ ҳукуматлари Корея ярим ороли масаласида алоқаларни мустаҳкамлаш ва мувофиқлаштиришни кучайтириш бўйича келишувга эришдилар.

"China Daily" газетасининг таъкидлашича, "Гарчи Хитой ва АҚШнинг позициялари ўртасидаги тафовутлар бирон бир жойда зудлик билан буғланиб кетмаса ҳам, Пекиндаги музокараларнинг энг муҳим натижаси икки мамлакат раҳбарлари кўрсатган конструктив ёндашув эди. Иккаласи ҳам биргаликда ишлашга ва мунозарада бир-бирига қарши чиқмасликка тайёрликларини билдиришди. Икки давлат ўртасидаги, хусусан савдо ва КХДР ядро дастури бўйича келишмовчиликлар, аммо бу масалалар мураккаб ва улар учун тезкор ечимлар топилиши даргумон. Шу билан бирга, иккала томон ҳам муаммоларни ҳал қилиш мумкинлигига аниқ ишонч билдирмоқда. Иккала раҳбарнинг бир-бирларини тинглашлари ва ўзаро суҳбатлашишга тайёрлиги уларнинг оммавий чиқишларида яққол кўриниб турарди ва Трамп таклиф қилганидек, Хитой ва АҚШ биргаликда "буюк ишларни" амалга оширишга қодир. Шубҳасиз, Хитой бунга тайёр, айниқса Си Цзиньпиннинг Тинч океанидаги бўшлиқ етарлича катта ва "иккала мамлакатни сиғдира олиш қобилиятига эга" деган баёноти эътиборга молик. Хитой ва АҚШ ўртасида ҳал қилиниши керак бўлган келишмовчиликлар мавжуд бўлса-да, улар ҳали ҳам чегарага эга, шу билан бирга ривожланиш учун имкониятлар чексиздир"[10].

"The Washington Post"нинг қайд этишича, "Президент Трампнинг Хитойга икки кунлик ташрифи диққат-эътиборни тортди, чунки Осиё ва Тинч океани минтақасида тобора кучайиб бораётган муаммолар даврида дунёнинг икки йирик иқтисодиёти раҳбарлари турли мавзуларда - Шимолий Корея ва савдо-сотиқда киберхавфсизлик масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар [10].

АҚШ маъмурияти учрашувларидаги хабарларга кўра, Президент Трамп Хитой томонидан таклиф этилган мураса чораларини рад этган ҳолда Хитой савдо амалиётларига қарши бир томонлама жазо тарифларини қўллади. Унинг 2017 йилдаги Хитой сафари олдидан маъмурият қатъий иқтисодий чораларни қўлламади, бироқ ушбу тадбирлар кейинчалик 2018 йилда бошқа муаммоларни келтириб чиқарди [5].

Бу даврда АҚШ Конгресси Б.Обама маъмуриятининг соғлиқни сақлаш дастурини тугатиш ва самарали солиқ имтиёзлари режасини бекор қилишга уриниш билан банд бўлиб қолди. Конгресс Шимолий Кореяга узоқ вақтдан бери қаршилиқ кўрсатиб келади. Шу сабабли Конгресс КХДРни ядровий синовлардан воз кечишга мажбурлаш учун Трамп ҳукуматининг Хитойга кучли босим ўтказиши зарурлигини уқтирди.

Трамп маъмуриятининг 2017 йил декабрдаги Миллий хавфсизлик стратегияси ва 2018 йил январдаги Миллий мудофаа стратегиясида (Никсон давридан бери бундай ҳужжатларда қўлланмаган усулда) Хитойга нисбатан жиддий

танқидлар ўрин олди. Жумладан ХХРга “йиртқич рақиб” деган таъриф берилиб, Америка миллий хавфсизлиги учун энг катта хавф сифатида баҳоланди. Хитойнинг ҳарбий қудрати ва Осиё-Тинч океани минтақасидаги кескин ҳаракатлари Қўшма Штатларнинг халқаро етакчилигини қўллаб-қувватлаш учун муҳим деб саналган юқори технологиялар соҳасидаги етакчи мамлакатларнинг суверенитетига хавф туғдираётганлиги таъкидланди [26].

Конгресс билан Ҳукумат вакиллари орасидаги ўзаро муносабатларда ушбу муаммо такроран кўтарилди ва 2018 йилги муҳим аҳамиятга эга бўлган Хитойга қарши узоқ йиллик эътирозлар сирасига қўшиб қўйилди. АҚШ Савдо Вакили Роберт Лигхтхизер очиқчасига Хитойнинг АҚШдан адолатсиз равишда ўз фойдасига фойдаланишга уринаётганлигини таъкидлади. У бундай амалиётларни АҚШга “Мавжуд бўлган таҳдид” дея таърифлади. Ўша вақтдаги FBI директори Кристофер Урей АҚШ Конгресси учун яна бир муҳим масала - Хитойнинг ошкора ва махфий таъсир ўтказиш амалиётларини, шу жумладан Қўшма Штатларда жосуслик ишларини олиб бораётганликда айблади. У ХХРнинг пухта ўйланган ниятларига қарши туриш жуда оғир масала эканлигини бир неча марта уқтирди [7].

Конгресснинг Хитойга нисбатан қатъий сиёсатида қуйидаги ёндашувлар қўлланилмоқда:

- Америка манфаатларига даҳлдор Хитой сиёсати юзасидан кенг муҳокамалар ўтказиш [25];
- Муайян масалалар бўйича алоҳида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш [24];
- Огоҳлантириш ва қатъий чоралар кўриш ҳақидаги мурожаатномаларни йўллаш [2].

“Акс таъсир” стратегияси

Сенатда кўпчиликни ташкил қилувчилар (республикачилар) вакили, сенатор Жон Корнин ва Сенатдаги озчилик (демократлар) вакиллари раҳбари Чарлз Шумер бошчилигидаги 27 нафар етакчи сенаторлардан тузилган икки партия вакиллари гуруҳи 2018 йил май ойида Хитойнинг етакчи иқтисодий маслаҳатчиларига технологик кашфиётларни ўғирлаш ва бошқа амбицияларига қарши қатъий талаблар қўйди. 12 нафар сенатор томонидан ёзилган бошқа мурожаатнома Д.Трамп маъмуриятининг юқори лавозимли мулозимларига юборилиб, унда Хитойдан ҳимояланишга чақирилган [3].

Хитойнинг қаршилигига қарамай, Трамп ҳукумати Тайванга катта ёрдам кўрсатиш учун нисбатан кичик қадамлар ташлади. Бироқ, Тайван президенти билан 2016 йил декабрдаги телефон орқали суҳбатдан сўнг, Президент Трамп Хитой учун энг устувор масалалардан бири бўлган Тайван сиёсати бўйича аниқ чораларни қўллаш орқали Шимолий Корея масаласидаги ҳамкорликни хавф остига қўйишини тушуниб етди.

“Washington Post” газетаси муҳаррирининг ўринбосари Жексон Дэйл фикрига кўра, Президент Тайбэйдаги янги норасмий АҚШ элчихонасини очилиш маросимида меҳмон сифатида иштирок этган АҚШ расмийлари сафига Хитойга нисбатан танқидий ёндашувчи юқори лавозимли амалдорларни киритмади. Тайбэйдаги офиснинг очилиш маросими Д.Трамппнинг 2018 йил 12 июнда Сингапурда Шимолий Корея раҳбари билан бўлиб ўтган саммити билан бир вақтда бўлиб, у Хитойнинг ушбу муҳим кунларда хавотирга тушишини истамади [18].

2018 йилдаги ташқи сиёсатга оид энг муҳим қонунлардан бири бўлган FY-2019 Миллий мудофаа ваколатлари тўғрисидаги қонун Хитойга нисбатан кўриладиган чораларни ҳам ўз ичига олган[19]. Унда Хитойнинг АҚШ анфаатларига зиён келтирувчи махфий ва разил ишлар қилаётганлиги тўғрисидаги бандлар ҳам мавжуд. Мазкур қонунда АҚШ ҳукуматининг стратегияси белгиланган. Унда Мудофаа департаменти томонидан

-Ҳинд-Тинч океани минтақасида АҚШ ва иттифоқчилар ва шерикликни кучайтириш бўйича 5 йиллик режани ишлаб чиқиш;

-Ҳинд океани минтақасини назорат қилиш учун Жануби-Шарқий Осиёни қамраб олган денгиз хавфсизлиги доирасини кенгайтириш;

-Ҳиндистон билан ҳарбий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича АҚШ стратегиясини ишлаб чиқиш;

-Хитойнинг ҳарбий ва хавфсизлик масалалари бўйича Конгрессга йиллик маърузанинг қамровини кенгайтириш;

-Конфуций институтларида Хитой тили дастурлари учун ажратилган Мудофаа бўлими маблағларини чеклаш масалалари талаб қилинган.

Мазкур қонунда Тайванда узоқ вақт давом этадиган Америка мажбуриятларининг айрим қисмлари тасдиқланди. Унга мувофиқ АҚШнинг қурол савдоси, мудофаа ва ўзаро кадрларни алмашиш, таълим каби соҳаларда етакчилик қилишига имконият яратилди. Бундан ташқари ушбу Қонунда Тайван ҳарбий кучлари ва заҳира кучларининг бир йил ичида тўлиқ мудофаа вазирлиги томонидан баҳоланиши белгиланди, шу жумладан, АҚШнинг Тайванга ёрдам бериш юзасидан саъй-ҳаракатларига ва Қўшма Штатларнинг ушбу тавсияларни амалга оширишга доир режаларига ҳам изоҳ берилди.

Ушбу Қонун АҚШ миллий хавфсизлигига бўлган таҳдидлардан янада самаралироқ ҳимояланиш учун, Агентлик органи, Қўшма Штатлардаги хорижий инвестициялар бўйича Қўмита фаолиятини модернизация қилиш, кучайтириш ва кенгайтириш бўйича алоҳида тартиб-қоидаларни белгилаб берди. Ўз навбатида, унда АҚШда яратилган технология ва интеллектуал мулкни Хитой ва унга ўхшаш бошқа салоҳиятли рақиблардан ҳимоя қилиш учун АҚШ экспорт назорати соҳасидаги муҳим ислохотлар ўз аксини топди.

АҚШ-Хитой муносабатлари бўйича масъул хитойлик расмийлар Трампнинг ташқи сиёсати Президент Обама ташқи сиёсатидан тубдан фарқ қилишини билишларига қарамасдан, Президент Трамп билан ҳар қандай мунозарали музокаралар осонликча муҳокама қилиниши ва АҚШнинг Хитойдан иқтисодий ва бошқа соҳаларда нисбатан оз миқдордаги имтиёзларга эришиш мумкин бўлган "Келишув"га рад жавобини бермаслигига ишонади. Роберт Суттер фикрича, улар 2018 йилдаги Хитойга қарши жазо тарифларига яхши тайёргарлик кўрмаган эдилар [20].

Бугунги кунга қадар АҚШ амалиётида Хитойга қарши қўлланилмаган бошқа кескин чоралар АҚШнинг турли агентликлари орқали амалга оширилди. Хитой компанияларига ва мансабдор шахсларига, Россияга қарши АҚШ чекловларини бузган ҳолда Россиядан қурол сотиб олганлиги учун санкциялар қўлланилди. Кейинчалик, FBI томонидан Америка ҳарбий технологиясини ўғирлаш бўйича жосусликда иштирок этган Хитой хавфсизлик ходими воқеаси содир бўлди. Си Цзиньпиннинг тобора нуфузи ошиб бораётган "Бир замон-бир макон" лойиҳаси доирасида кўриб чиқиладиган режалар ҳам четда қолмади.

АҚШ Жаҳон банкининг Хитойга унинг юқори иқтисодий салоҳиятига қарамасдан ҳар йили қарийб 2 миллиард АҚШ доллари атрофида қарз бериши ва Халқаро валюта жамғармасидан Покистондаги Хитой лойиҳалари учун йирик миқдорда кредитлар ажратилишига эътироз билдирди [27].

Трамп ҳукумати Тинч океанида Хитойга қарши тура олиш учун узоқ ва ўртача масофага мўлжалланган баллистик ракетаalar тўғрисидаги келишувдан 2018 йил октябрда АҚШни чиқариб олди.

2018 йил ноябрга келиб, АҚШ Адлия вазирлиги Хитойнинг иқтисодий жосуслигига қарши курашиш учун "Янги ташаббус" деб номланган лойиҳани тақдим этди. Бу вақтда АҚШ вице-президенти Майк Пенс Хитойнинг иқтисодий ва ҳарбий амалиётларини кескин танқид қилиб, Осиё мамлакатларида кўп томонлама олий даражадаги саммитларда нутқ сўзлаб, АҚШ маъмурияти томонидан кескин чоралар кўрилишини маълум қилди.

2018 йил 1 декабрда Аргентинада бўлиб ўтган "G-20" саммити доирасидаги Дональд Трамп ва Си Цзиньпин учрашуви чоғида кўнгилсиз вазият юзага келди. Саммит бўлаётган бир вақтда Ванкувердаги ваколатхоналар томонидан АҚШга экстрадиция қилиш учун Хитойнинг етакчи телекоммуникацион компанияси- Huawei президенти Рен Женфей (Ren Zhengfei) ва унинг қизи-компания менеджери Мэн Ваньчжоу (Meng Wanzhou) Эронга нисбатан АҚШ эълон қилган санкцияларга амал қилмаганликда айбланиб, 2018 йил 6 декабрда қamoққа олиниши вазиятни мураккаблаштирди.

"Савдо уруши"

Президент Трамп ҳокимият тепасига келгандан бери Хитойга нисбатан турли савдо чекловларини қўллаб келмоқда. Ушбу ҳолат ўз навбатида ХХР томонидан тегишли "жавоб реакцияси"ни билдирилишига сабаб бўлмоқда. Бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш учун Аргентинада бўлиб ўтган G-20 саммитида президент Д.Трамп ва раис Си Цзиньпин ўртасида "Савдо уруши" масаласи бўйича қисман келишувга эришилди. Бинобарин, мазкур Саммитда Хитойга нисбатан АҚШнинг жазо чораларини вақтинчалик тўхтатишга келишилди.

ХХР раиси Си Цзиньпин ва АҚШ президенти Д.Трамп 2018 йил 29 декабр кuni телефон орқали сўзлашувлари чоғида икkitомонлама муносабатларни муҳокама қилишди. Трампнинг 2019 йил январь ойидаги иқтисодий тафовутлар бўйича расмий музокараларга жиддий тайёргарлик кўриши натижасида "катта натижа"га умид қилинди. АҚШ музокаралар гуруҳини АҚШнинг Савдо вакили Роберт Лигхтхизер (Хитойга нисбатан кескин муносабати билан танилган) ва унинг ёрдамчилари бошқарди. 116-Конгресс қайта тикланиши мумкин бўлган бошқа қонунлар билан бир қаторда Хитойнинг Шимоли-Ғарбий ҳудудида жойлашган Уйғур мусулмонлари, Тибетликларга ўтказаетган зуғумлари ва АҚШнинг халқаро санкцияларини бузувчи Хитойнинг юқори технологияли фирмаларига қарши жазо чораларини таклиф қилди [21].

The Diplomat (Осиё-Тинч океани минтақасидаги долзарб масалалар бўйича етакчи нашр) журналининг бош муҳаррири Шаннон Тиеззи фикрича, ушбу музокаралар дипломатик ва хавфсизлик мулоқоти, кенг қамровли иқтисодий диалог, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва кибер-хавфсизлик бўйича ўзаро мулоқат ҳисобланади. Бироқ, ушбу учрашувлар чоғида томонлар самарали натижаларга эриша олмадилар. Ҳукумат ушбу мулоқотлар ҳақидаги маълумотларни

жамоатчиликдан яширишдан кўра, Хитойнинг ҳаракатларини кескин танқид қилиб, жамоатчилик орасида Хитой ҳукуматини “хафа” қилишди [23].

Бундан ташқари, бир қанча АҚШ ва Хитой ҳукуматлари идоралари томонидан қўллаб-қувватланган кўплаб ҳамкорликдаги АҚШ-Хитой дастурлари Трамп ҳукумати томонидан Америка манфаатларига тўғри келиш-келмаслиги юзасидан кўриб чиқилди. Яқин ўтмишда америкалик расмийлар Хитой билан турли хил келишмовчиликлардан кўз юмиб, ўртадаги келишувларни сақлаб қолишга ҳаракат қилган бўлса, айтиш мумкин вақтда ҳукумат раҳбарлари ўз манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилишмоқда.

Ушбу трендларга истисно сифатида наркотраффикка қарши Хитой-АҚШ ҳамкорлиги бўлиши мумкин. Фентанил эпидемик гиёҳванд моддаси асосан Хитойда тайёрланиб, АҚШда истеъмол қилинади. АҚШнинг хитойдаги элчиси (2017й. 12 июлдан) Терри Эдвард Бранстед таъкидлагинидек, ушбу модда савдоси бўйича ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олишга мўлжалланган ҳамкорлик “икки давлат алоқаларидаги энг яхши жабҳалардан бири” ҳисобланади [6].

Президент Д.Трамп маъмурияти АҚШ учун манфаатлироқ бўлган янги савдо битимларига эришиш учун иттифоқчилар ва ҳамкорлар устидан иқтисодий босимларни қўллаш орқали бироз ижобий натижага эришди. Кейинчалик, АҚШ улардан Хитойнинг амбицияларига қарши курашда ҳамкорлик қилишни талаб қила бошлади. Хусусан, Канада ва Мексика билан имзоланган янги савдо битимлари Хитой билан эркин савдо қилишни қисқартиришга хизмат қилди. Худди шунингдек АҚШ Жанубий Корея ва Япония билан икки томонлама савдо музокараларини ўтказиб янги савдо шартномаларни имзолади. Ниҳоят АҚШ ўз манфаатларига тўла мос келадиган натижаларга эришди ва сўнгра бунга қўшимча равишда Европа Иттифоқи билан қисман келишувларга муваффақ бўлди.

Хитойнинг иқтисодий юксалиши ва иш юритиш усуллари дипломатик, савдо ва технологик алоқаларни хавф остида қолдиришти, деб ёзади Financial Times [15].

АҚШ томонидан бундай ҳамкорликнинг кенгайтирилиши Хитойнинг янада ривожланишига қарши кенг қамровли “юмшоқ куч” вазифасини бажаради. Конгресс томонидан молиялаштирилган маблағ ёрдамида АҚШ ҳарбийлари Д.Трамп ҳукуматининг миллий хавфсизлик ва миллий муҳофаа стратегияси ғояларини амалга ошириши ва хусусан Жанубий Хитой денгизида Хитойнинг даъволарига қарши туришни таъминлаши мумкин. Бу эса, ўз навбатида Хитойнинг БМТ денгиз қонунларини четлаб ўтиш орқали қилаётган даъволарига қарши курашишда замонавий қирувчи самолётлар ва бошқа ҳарбий кучлардан фойдаланиш имкониятини яратди.

2020 йил 15 январда Вашингтон шаҳрида АҚШ ҳукумати ва ХХР ҳукумати ўртасида 2020-2021 йилларга мўлжалланган янги савдо-иқтисодий битим имзоланди (охирги марта 2017 йилда бўлган). Мазкур битим 8 та боб, 67 та модда, 155 та кичик модда ва 17 та иловадан иборат бўлган йирик ҳужжат [14] бўлиб, АҚШ савдо дефицитини сўнги 2 йил ичида камайтириш орқали экспорт ва импорт ўртасида мувозанатни таъминлашга қаратилган.

Хитой жаҳон иқтисодий инқирози шароитида АҚШнинг сланец ишлаб чиқарувчиларининг заиф томонларидан фойдаланиб, тезда тоғ-кон компанияларини сотиб олишга киришганлиги туфайли Ғарб технологиялари ва ишлаб чиқариши Хитой ихтиёрига ўта бошлади. "Хитой бизни истеъмол қилмоқда.

Биз ўз меросимизни ҳимоя қилишимиз керак", деб изоҳ берди Британия разведкасининг собиқ директори Жон Соьерс.

Умуман йўқолиб кетиш хавфи остида қолган ёки чет эл сармояси ҳисобига қайта молиялаштириш орқали сақланиб қолиши мумкин бўлган сланцевый нефт саноати Хитой ҳукумати назорати остида ишлашни давом эттирмоқда. Албатта, сотиб олинган компаниялар Америка сланец саноатининг атиги бир қисмини ташкил этади, аммо бу ерда асосий масала Хитойнинг бутун дунё бўйлаб доллар курсига таъсир этувчи омилларни тартибга солишга қодирлигидир. Бинобарин, АҚШ валютасининг ҳукмронлиги бугунги кунда нефт ва газ қазиб олиш саноатига бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Хитой АҚШ долларини ичидан ютиб юборишни мақсад қилган[11].

Хавфсизлик масалалари

Иккитомонлама мунсоабатларга Хитойнинг Ухань шаҳрида 2019 йил декабр ойида пайдо бўлиб, сўнг бутун дунёга кенг тарқалиб кетган CoVid-19 пандемияси ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. 2020 йил 6 август ҳолатига, "gazeta.uz" маълумотларига кўра, Хитойда 88 460 нафар одам ушбу вирусни юктириб, шундан 81592 нафари тузалган ва 4680 нафари вафот этган бўлса, АҚШда жами 4 883 882 нафар инсон ундан зарарланди ва улардан 1 598 624 нафари соғайиб, 160 104 нафари вафот этди. Мазкур рақамлар ўзаро мос равишда таққосланганда АҚШ ҳукуматининг жиддий эътирозига сабаб бўлди. Хусусан, Хитой раҳбарияти бу борадаги дастлабки маълумотларни сир сақлаш, вирусни сунъий ишлаб чиқариш ва лабораториядан сизиб чиқиши ва тарқалиб кетишига йўл қўйиш кабилар билан айбланмоқда. Хитой расмийлари ўз навбатида бундай эътирозлар асоссиз эканлигини таъкидламоқда. Бунинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигини вақт кўрсатади, албатта.

М.Помпео Буюк Британияга (30.01.20) ташрифи чоғида, Хитойга сиёсий босим ўтказиш учун коалиция тузишга чақирди. Бундан ташқари, у Хитой ЖССТ раҳбарини "сотиб олган"лигини ва бу сиёсий фитналар туфайли кўплаб британияликлар Covid-19 инфекциясидан вафот этишганлигини таъкидлади [17].

Д.Трамп қарорига мувофиқ АҚШ Ҳазначилик департаменти томонидан қимматли қоғозларини Америка биржаларида жойлаштириш ва уларни сотишда хитойлик компанияларга қўйиладиган талабларни кучайтириш бўйича қоидаларнинг ишлаб чиқилиши Қўшма Штатлар учун Хитойни жазолашнинг бир усули бўлди. Д.Трампнинг таъкидлашича, ўнлаб йиллар давомида хитойлик фирмалар Америка биржаларидан унумли фойдаланиб, ундан йирик миқдордаги маблағларни ўзлаштиришган. Шу билан бирга, ХХР маъмурлари компанияларга АҚШдан келган рақобатчилар учун мажбурий бўлган инвесторларни ҳимоя қилиш талабларини бажаришга рухсат бермаган.

Давлат котиби Майк Помпео мазкур қарорни шарҳлар экан, NASDAQ Хитойнинг Luckin Coffee Inc. компанияси билан можаро авж олган пайтда NASDAQ бошланғич ким ошди савдоси талабларини мустақил равишда кучайтираётганини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, бундай ҳаракатлар АҚШ биржалари ва дунёнинг бошқа мамлакатларига ўрناк бўлиши лозим. Шунингдек, у ҳукумат амалдорларининг пулларини бошқарадиган пенсия жамғармаларини Хитой қимматли қоғозларига сармоя сифатида киритилиши тақиқлаганлигини уқтирди.

Айни пайтда, Америка фонд биржаларида умумий қиймати 1,2 трлн. АҚШ долларида ортиқ бўлган 150 дан ортиқ хитойлик компаниялар савдога қўйилган. Дунёдаги икки йирик иқтисодиёт ўртасидаги муносабатларнинг совуқлашуви фонида пайдо бўлган Трамп ташаббуси - "Савдо келишуви"нинг биринчи босқичини самарасиз якунланишига сабаб бўлди[8].

ХХР томонидан қабул қилинган "Гонконгнинг ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқни қўллаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида"ги қонуннинг мақсади сепаратизм, терроризм, давлат ҳокимиятига путур этказиш ва хорижий анти-хитой кучлари билан тил бириктиришларнинг олдини олиш ҳисобланади. Мазкур қонунга кўра, юқоридаги жиноятлар умрбод қамоқ жазосига қадар бўлган оғир жазолар билан жазоланади. Ушбу ҳужжатга мувофиқ Гонконг ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг мустақиллиги чекланади, ХХРнинг марказий органлари Гонконгда тергов ҳаракатларини олиб боради ва шаҳарда Хитой давлат хавфсизлик агентликларининг ваколатхоналари очилади.

Қонун ХХР раҳбариятига терроризм, сепаратизм, ташқи таъсир ва Хитойнинг автоном ҳудуддаги қудратига путур этказишга қарши кенг ваколатлар беради[12].

ХХР раиси Си Цзиньпинь Гонконгнинг Хитойга қўшилишининг 23 йиллиги тўғрисида қонунни имзолади. 1997 йил 1 июлда Буюк Британия ўз мустамлакасини расмий равишда Хитой юрисдикциясига ўтказди. Энди, "Гонконг дуч келаётган миллий хавфсизлик хавфлари фонида мамлакат миқёсида миллий хавфсизлик тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши шошилиш ва зарур эди", деб таъкидлади шаҳар мери Керри Лам[9].

Энг сўнгги норозиликлар 2020 йил майда содир бўлди ва бевосита миллий хавфсизлик тўғрисидаги қонун туфайли юзага келди. Ҳозирда оппозицияси фаол эмас, бироқ АҚШ 7,5 миллион аҳолига эга бўлган Гонконг эркинлигининг асосий ҳимоячиси бўлиб турибди.

2020 йил июлда АҚШ Хитойга қарши "Гонконг" санкцияларини киритди. Аммо бу жазо хусусий характерга эга бўлиб, "автономияни йўқ қилиш" билан шуғулланадиган хитойлик амалдорларга тегишли эди. Муҳими, 20 июлда Америка Қўшма Штатлари Гонконгга АҚШ ҳарбий маҳсулотлари ва инновацион технологияларни экспорт қилишни тўхтатишини маълум қилди. Хитой шу пайтгача, АҚШнинг ушбу технологияларини ўзининг "махсус минтақаси" орқали кафолатли олиш имкониятига эга эди.

ХХР учун Гонконг "бир мамлакат - икки тизим" тамойилига мувофиқ интеграция намоиши бўлиб қолмоқда, профессор Александр Шпунт фикрига кўра, 1980 йилда День Сяопинь ушбу тамойилни ишлаб чиққан пайтдан бошлаб, бу нафақат Гонконг ва Макао, балки Тайванни ҳам бирлаштиришга қаратилган эди. 1997 йилда Гонконгга берилган махсус мақом аста-секин материк Хитойнинг қолган минтақалари билан тенглаштирилади. "Шу муносабат билан Пекиннинг ҳаракатлари жуда изчил ва эҳтиёткордир, қонундан ташқари Гонконгда қилинган жиноятлар Хитой судларида кўриб чиқирилиши керак. Бу норма ғазабни кўзғатди, - дея башорат қилади эксперт.

А.Островскийнинг таъкидлашича, Гонконгнинг ХХР учун аҳамияти бугунги кунда пасаймоқда. Агар 1997 йилда шаҳар Хитойга қайтиб келганда, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 20 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда у 2 фоизни ташкил этади. "Буюк Хитойда эркин савдо зоналари, эркин

иқтисодий зоналар ва замонавий технологик портлар пайдо бўлди. Кўплаб гонконгликлар қўшни Шенженга қўчиб ўтмоқдалар, чунки кўпроқ жой бор ва иш ҳақи ҳеч бўлмаганда етарли. "Гонконгнинг роли аслида оффшор функцияга қисқартирилди - бу маблағларни Хитойга ёки тескари йўналишда - Хитойдан чет элга транзит қилиш учун хизмат қилади."

Ушбу қонуннинг қабул қилинишига жавобан АҚШда "Гонг-конг тўғрисидаги қонун"нинг қабул қилиниши ва унга мувофиқ ушуб махсус районга АҚШ томонидан берилган преференцияларнинг бекор қилиниши иккитомонлама муносабатларга совуқлик туширди.

Гонконг- бу Ғарб моделига мос равишда коммунистик мамлакат учун капитализм ва эркинликни сақлашдир. Шунинг учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг қарийб 60 фоизи ва капиталнинг 70 фоиздан ортиғи Хитойга Гонконг орқали кириб келади.

Гонконг турли хил қонунларга, сиёсий тизимга, паспортга ва ҳатто тилга эга. Мустақил суд тизими, сўз, дин ва йиғилишлар эркинлиги таъминланган. Ўз (эркин алмаштириладиган) валютаси, ўзининг айирбошлаш, мустақил савдо сиёсати ва молиявий тартиботи йўлга қўйилган. Гонконг Жаҳон савдо ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади.

Агар Хитой разведка хизматларининг ҳуқуқларини кенгайтирувчи қонун кучга кирса, Буюк Британия бош вазири Борис Жонсон ҳукумати Гонконг аҳолисига Буюк Британия фуқаролигини беришга ваъда берди. Буюк Британия бош вазири буни "яхши ният ишораси" деб атади. Унинг Times газетасида ёзишича, Британия "шунчаки бурилиб кета олмайди", "у ўз бурчини бажаради" ва буни "ўз хоҳиши билан" бажаради. Аслида, бу мамлакат ҳукумати ўз қонунларини бекор қилиши ва қарши қонунларни қабул қилиши кераклигини англатади².

Хитой узоқ вақтдан бери Гонконгдаги ҳолатга чек қўйиши мумкин эди, бироқ бунинг оқибатлари миллий манфаатларга зид келар эди. Хусусан, бир томондан, ўзгача фикрловчи жамиятни тинчлантиришнинг мушкуллиги ва бошқа томондан, Ғарб сармояларидан маҳрум бўлиш хавфи эди.

Бундан биров кейинроқ 2020 йил 21 июлда АҚШ Хитой дипломатларини "қўпоровчилик ҳаракати" билан шуғулланганликда, иқтисодий жосусликка ёрдам берганликда ва илмий изланишларни (CoVid-19 вакцинаси) ўғирлашга уринишда айблаб, Хюстон шаҳридаги Хитой консуллигини уч кун ичида ёпишга қарор қилди. Бунга жавобан консуллик ходимлари бинода ҳужжатларни ёқиб юбордилар. бошладилар. Д.Трамп маъмуриятининг Хитойга қарши ҳаракатлари кескин тус олмоқда.

Ушбу ҳаракат Президент Трампнинг сайлов компанияси стратеглари, унинг пандемия бўйича муваффақиятсизликларидан хавотирга тушиб, унинг тарафдорларига Хитойга қарши кенг қамровли курашни тарғиб қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

ХХР томони бунга жавобан Хитойнинг Шенгду (Chengdu) шаҳридаги АҚШ консуллигини ёпишга қарор қилди[13].

Трамп маъмурияти АҚШ ва ХХР ўртасидаги кучлар мувозанатидаги АҚШнинг салбий ўзгаришини секинлаштириш ёки тўхтатиб туриш орқали Осиёдаги

² <https://www.bbc.com/russian/news-52939704>

геосиёсий статус-квони вақтинча сақлаб туришни мақсад қилган. АҚШ иқтисодий ривожланишининг тезлашиши Хитой иқтисодиётининг сезиларли даражада пасайиши ва ХХРда таркибий муаммоларнинг тўпланиши билан бир вақтда содир бўлди. АҚШнинг ХХРга доимий иқтисодий босими ўз самарасини бермоқда, АҚШнинг Хитой билан савдо камомади сезиларли даражада камаймоқда, Трамп бошқа жабҳаларда (валюта курслари, тарифдан ташқари чекловлар, интеллектуал мулк ва бошқалар) ҳам ижобий натижаларга муваффақ бўлди. Шу билан бирга, икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий-стратегик мувозанатда Хитой фойдасига кескин силжишлар кузатилмаяпти. ХХР ҳарбий бюджетининг доимий равишда ўсиб боришига жавобан, АҚШ ўз қуроли кучларини, шу жумладан Америка денгиз кучларини модернизация қилиш бўйича кенг кўламли ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда, аксарият Осиё мамлакатлари минтақавий иқтисодий ривожланиш жараёни ва ички сиёсатда мувозанатни топа олдилар дейиш мумкин, холбуки яқин келажақда ҳам унинг сақланиб қолишига кафолат йўқ.

Ҳозирги вақтда минтақада умуман ҳарбий-сиёсий зиддият даражаси пасаймоқда. Жумладан КХДР ядровий ва баллистик дастурларини музлатмоқда ва Шимолий Кореяга қарши можаронинг аҳамияти аста-секин пасаймоқда. Жанубий Хитой денгизидаги ҳудудий низолар ҳал қилинмаётганлиги Жануби-Шарқий Осиёда ўткир сиёсий инқирозларни келтириб чиқармайди. Минтақа давлатларининг иқтисодий интеграцияси чуқурлашмоқда ва минтақанинг аксарият мамлакатларида ўсиб бораётган ўрта синф Осиёда сиёсий барқарорликнинг асосига айланмоқда. АҚШ Осиё-Тинч океани минтақасидаги шериклар билан имзоланган янги икки томонлама савдо-иқтисодий битимларни ҳисобга олган ҳолда Транс-Тинч океани ҳамкорлигига қўшилиш ғоясига қайтмоқда. ХХР томонидан молиялаштирилган кенг қамровли минтақавий иқтисодий шериклик муайян масалалар бўйича кўп томонлама ва икки томонлама низолар туфайли тўхтаб қолмоқда. Осиёда сиёсий экстремизм ва халқаро терроризм таназзулга учрамоқда, Осиёнинг етакчи мамлакатлари ўртасидаги қурол-яроғ мусобақаси секинлашмоқда, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш моделларининг ўзаро рақобати кучаймоқда[1].

Ушбу ҳолат АҚШ ва иттифоқчиларининг Осиёдаги нуфузини сақланиб қолиши ва янада кучайтиришини англатади. Тинч океани ва Ҳинд океанининг сувларида навигация эркинлиги ва ҳаво кучлари ҳаракати эркинлиги сақланиб қолади. АҚШнинг анъанавий иттифоқчилари Қўшма Штатларга содиқ қолиш билан бирга Хитой билан иқтисодий ҳамкорликни жадал ривожлантирмоқда. АҚШ асосий қоидаларини белгилайдиган а катта шерик ролини ўйнайдиган G-2 формати доирасида АҚШ-Хитой ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланишда давом этмоқда. Ҳатто АҚШ-Хитой ядровий қуролини чеклаш тўғрисидаги битимларнинг имзоланиши эҳтимолдан ҳоли эмас, гарчи бу соҳада Американинг устунлиги ҳал қилувчи рол ўйнайди. Чунки стратегик авиация ва денгизда жойлашган ядровий стратегик кучлар бўйича АҚШ биринчи ўринда туради.

Хитой ва АҚШ ўртасидаги янги можаро Трамп томонидан Шинжонда уйғурлар зулми туфайли Хитой амалдорларига қарши санкциялар тўғрисидаги қонунни имзоланиши билан бошланди. Бунга жавобан Хитой АҚШ расмийларига қарши қатор санкцияларни қабул қилди. Хитой Ташқи ишлар вазирлиги вакили

АҚШнинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ айбловларини "Асрнинг энг катта ёлғони" деб атади. У Трампга ўз мамлакатадаги ирқий масалаларга эътибор қараишни маслаҳат берди.

2020 йил 5 августда Хитой Ташқи ишлар вазири Ван И "Синхуа" ахборот агентлигига берган интервьюсида таъкидлашича, "Хитой ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик ҳеч қачон бир томондан бошқа томонга раҳм-шафқат ёки бир томон бошқа томоннинг фойдасини тортиб олинмаган, иккала мамлакат ҳам ҳамкорликдан катта наф кўрди ва шунинг учун ҳам ким йўқотган ва ким осон пул топгани ҳақида гапириш нотўғри. Вақт ўтиши билан Хитой ва АҚШ аллақачон томонларнинг афзалликлари ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни тўлдириши туфайли умумий манфаатларга эга бўлган жамоага айланди. Хитойнинг жадал ривожланиши ташқи дунё, шу жумладан АҚШ билан очиқлик ва ҳамкорлик сиёсатининг натижасидир, шу билан бирга Хитойнинг ривожланиши АҚШ ва бошқа давлатларга барқарор иқтисодий ўсишга кучли туртки берди ва улар учун йирик бозорга айланди. Агар Хитой ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ҳамкорлик шу қадар адолатсиз ва мувозанатсиз бўлганда эди бир неча ўн йиллар давом этмаган бўларди. Глобаллашув ва эркин савдо, бир томондан, ривожланиш учун дивидендлар олиб келди ва бошқа томондан иқтисодиёт ва тақсимот соҳаларида янги қарама-қаршиликлар ва муаммоларни келтириб чиқарди. Ушбу муаммолар ўз-ўзини ислоҳ қилиш йўли билан ҳал қилиниши керак... Бошқаларни айблаш учун турли усулларни қўллашга ҳожат йўқ, масалан, муаммоларни "алоқаларни узиш" орқали бартараф этишга ҳаракат қилиш керак эмас[16].

АҚШ президенти Д.Трамп 2020 йил 7 августда ByteDance ва Tencent компанияларига тегишли бўлган ижтимоий тармоқлар фаолиятига доир бўлган «TikTok таҳдиди билан курашиш тўғрисида» ва «WeChat таҳдиди билан курашиш тўғрисида»ги фармонларни имзолади. Мазкур қонунларга мувофиқ АҚШ юрисдикциясида мазкур иловалар компаниялари билан битимларни тўхтатиш учун 2020 йил 15 сентябргача муддат белгиланди. Таъкидланишича, ушбу қонунларнинг қабул қилинишига кўйидагилар сабаб бўлган: Хитой компаниялари томонидан яратилган TikTok ва WeChat иловалари АҚШ миллий хавфсизлиги, ташқи сиёсати ва иқтисодиётига жиддий таҳдид солади ҳамда ўзининг фойдаланувчилари ҳақидаги шахсий маълумотларни йиғиши ва уларни кузатишлари мумкин.

АҚШ Хитойга инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва Интернет эркинлиги каби мавзуларда босим ўтказишда давом этмоқда. Бу босим Хитойда, айниқса ўқимишли ёшлар ва ўсиб бораётган ўрта синф вакиллари орасида акс этмоқда. Тинч океани ва Ҳинд океанлари сувларидаги Америка позицияларининг сақланиб қолиши ва мустаҳкамланиши Пекинни материк Евросиёнинг ресурс ва транзит имкониятларига (Бир белбоғ-бир йўл) эътиборни кучайтиришга мажбур қилмоқда, бу эса Россия ва Марказий Осиёнинг Хитой стратегияси учун ортиб бораётган аҳамиятини белгилаб беради.

ХУЛОСА

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

биринчидан, вақти-вақти билан содир бўлаётган турли ўзгаришларга қарамасдан АҚШ маъмуриятининг Хитойга нисбатан муносабати мўътадил қолмоқда. Иккитомонлама мулоқат ва манфаатли ҳамкорлик учун мойиллик устунлик қилмоқда.

иккинчидан, Конгресснинг ҳар иккала палатаси томонидан Д.Трамп маъмуриятининг Хитойга қарши янги қатъий талаблари сўзсиз қўллаб-қувватланди. Томонлар ўртасидаги мавжуд муаммолар, хусусан, Хитойнинг Россия билан яқин ҳамкорлик қилиши вазиятни Хитой зарарига янада мураккаблаштирди.

учинчидан, икки томонлама муносабатларнинг ижобий ривожланиши халқаро сиёсий, иқтисодий, экологик барқарорлик ва глобал хафсизликни таъминлашга кўмаклашади.

тўртинчидан, Хитойнинг иқтисодий тараққиёти, халқаро мавқеининг ошиши иккитомонлама муносабатларда ўзаро рақобатни нафақат Осиё-тинч океани минтақасида, балки Марказий Осиё доирасида ҳам кучайтирмоқда.

бешинчидан, Хитой-АҚШ муносабатларидаги рақобат, ҳамкорлик хавфсизлик ва бошқа масалаларда “магнит майдони”даги сингари бир-бирини ўзаро тортиб ва жиловлаб тортиб туриш тенденцияси давом этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Andrey [Kortunov](#). [ATR, mnogopolyarniy mir.](#)
<https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/kitay-i-ssha-v-azii-chetyre-stsenariya-na-budushchee/>
2. “Bipartisan Groups of Senators Urge Administration to Safeguard Critical Military and Dual-Use Technology from China,” *United States Senate Release* May 22, 2018. <https://www.cornyn.senate.gov/content/news/bipartisan-group-senators-urge-administration-safeguard-critical-military-and-dual-use> (accessed June 29, 2018);
3. Bill Gertz, Congress to Crack down on Chinese Influence in US,” *Washington Free Beacon* June 4, 2018 <http://freebeacon.com/national-security/congress-crack-chinese-influence-u-s/> (accessed June 29, 2018)
4. Bonnie Glaser and Collin Norkiewicz, “North Korea and Trade dominate the agenda,” *Comparative Connections* 19, no. 2, (September 2017) 21-34.
5. Bonnie Glaser and Kelly Flaherty, “Hurtling toward a Trade War,” *Comparative Connections* 20, no. 1, (May 2018) 19-22.
6. Bryce Pardo, “Evolution of the US Overdose Crisis: Understanding China’s Role in the Production and Supply of Synthetic Opioids,” Testimony before the House Foreign Affairs Committee Subcommittee on Africa, Global Health and Global Human Rights, September 6, 2018.
7. David Lynch, “Trump’s Raise the Stakes Strategy,” *Washington Post*, July 21, 2018, A14; For an overview of developments, see Robert Sutter, “Pushback: America’s New China Strategy,” *The Diplomat*, November 2, 2018.
<https://thediplomat.com/2018/11/pushback-americas-new-china-strategy/>.
8. https://lenta.ru/news/2020/06/05/strike/?utm_medium=social&utm_source=telegram
9. <https://m.vz.ru/world/2020/7/1/1047712.html>
10. <https://tass.ru/mezhdunarodnaya-panorama/4717686>
11. <https://versiya.info/politika/army/151276>

12. <https://www.bbc.com/russian/news-52832293>
13. <https://www.reuters.com/article/us-usa-china-consulate/china-seizes-u-s-consulate-in-chengdu-retaliating-for-houston-idUSKCN24S044>
14. <https://www.cfr.org/timeline/us-relations-china.pdf>
15. <https://www.ft.com/content/7500eb04-dfb6-11e9-b8e0-026e07cbe5b4>
16. <https://www.newstube.ru/media/van-i-kitaj-i-ssha-dolzhen-sodejstvovat-razvitiyu-dvustoronnih-otnoshenij-posredstvom-sotrudnichestva-a-ne-razryva-svyazej>
17. <https://www.nytimes.com/2020/07/22/world/asia/us-china-houston-consulate.html?action=click&module=Top%20Stories&pgtype=Homepage>
18. Jackson Diehl, "Taiwan seems to be benefiting from Trump's presidency," Washington Post April 29, 2018 https://www.washingtonpost.com/opinions/global-opinions/taiwan-seems-to-be-benefiting-from-trumps-presidency-so-why-is-no-one-celebrating/2018/04/29/f5d38166-4966-11e8-827e-190efaf1f1ee_story.html?utm_term=.e5c764f91b55 (accessed June 29, 2018);
19. Reform and Rebuild: The Next Steps; Vivian Salama, "Trump Signs Defense Bill to Boost Military, Target China," Wall Street Journal August 13, 2018 <https://www.wsj.com/articles/trump-signs-defense-bill-to-boost-military-target-china-1534196930> (accessed August 16, 2018)
20. Robert Sutter, "Pushback: America's New China Strategy": see also R.Sutter "United States and Asia 2018," *Asian Survey* 59, no.1 (2019) forthcoming
21. Robert Sutter, "The United States and Asia 2018," *Asian Survey* 59, no.1 (2019) forthcoming
22. Robert Sutter, "The United States and Asia in 2017," *Asian Survey* 58, no. 1 (2018) 10–20
23. Shannon Tiezzi, "Is A Thaw Coming in US-China Relations?" *The Diplomat* November 7, 2018.
24. US Congress, House Armed Services Committee *Reform and Rebuild: The Next Steps—National Defense Authorization Act FY-2019 (July 2018)*. https://armedservices.house.gov/sites/republicans.armedservices.house.gov/files/wysiwyg_uploaded/FY19%20NDAA%20Conference%20Summary%20.pdf (accessed August 16, 2018).
25. US Congress, House Armed Services Committee *Strategic Competition with China* Hearing February 15, 2018 <https://armedservices.house.gov/legislation/hearings/strategic-competition-china> (accessed May 1, 2018).
26. White House, *National Security Strategy of the United States*, December 2017, accessed January 4, 2018, <https://www.whitehouse.gov/wp-content/uploads/2017/12/NSS-Final-12-18-2017-0905.pdf>; US Department of Defense, *Summary of the National Defense Strategy of the United States*, January 2018, accessed March 1, 2018, <https://www.defense.gov/Portals/1/Documents/pubs/2018-National-Defense-Strategy-Summary.pdf>
27. "IMF Bailout for Pakistan Shouldn't Aid China: Pompeo," *INAS* Washington, July 31, 2018 <https://www.khaleejtimes.com/business/economy/imf-bailout-for-pakistan-shouldnt-aid-china-pompeo> (accessed January 13, 2019)